
БОЛАНИ ЎҚИШГА ҚАНДАЙ ҚИЗИҚТИРИШ МУМКИН?

Биринчи ўринда болани ўқишга қизиқтириш учун биз **ички** ва **ташқи** мотивацияни танлаб оламиз.

Ички мотивацияга биз камдан кам эътибор берамиз. Бизнинг хошиш истагимизни тушунтириш учун биргина сўз етарли “ИСТАЙМАН”. Аввалом бор хаммаям ўз хохлаган ишини қилишни хохлайди. Масалан ўзига ёқадиган гуруҳнинг қўшигини яхши кўриб тинглаш, ёки бўлмасам ўз қўллари билан бирон нарсани ясада ёки бирон узига ёқган романни ўқиш ёки яна биронта ўзига ёқган машғулот билан шуғилланиш ёқади.

Ташқи мотивация эса ҳар ҳил бўлади- пулдан тортиб то мактабдаги баҳоларгача. Бола учун ташқи мотивация иш бермайди. Психолог Альфи Кон “Мукофот билан жазолаш” китобида нафақат ота-оналарни, балки ўқитувчиларни ҳам турли имтиёзларни қўллашдан огохлантиради. Баъзан ота-оналар фарзандини қизиқтириш учун ҳар хил боғларга, хайвонот боғига оборишни, бошқалари эса қиммат баҳо совғалар, телефон хаттоки пул ҳам беришади. Муаммо шундаки бу усул иш бермайди: ўқувчи шундай ўқишни давом этираверади.

Нима учун ташқи мотивация иш бермайди? деган саволга мен шундай жавоб берман:

Биз “Мана бундай қилсанг, буни қўлга киритасан” деган пайтимизда бола дастлаб ваъдани иштиёқ билан қабул қилади. Шу билан бирга, унда ўзини ҳимоялаш инстинкти ҳам ишга тушади. У ўзига ўзи савол беради: “Таваккал қилиб уй ишини ёзишим нимага керак? Яхшиси аълочилардан кўчириб оламан, шуниси ишончлироқ”. Қарбсизга мақсадлар ўзгариши рўй беради: билим олиш учун ўқиш эмас, мукофот олиш учун шқиш. Шундай қилиб болани худбин бўлишига йўл очиб берамиз. Ташқи мотивация зўр ишлаши мумкин, фақатгина ичкиси билан биргаликда.

Ўқишга бўлган қизиқишга нима таъсир қилади?

Кичик ёшдаги болалар ўқишга тайёр ва улар бунинг учун ҳеч нарса талаб қилишмайди аксинча ўқишга интилишади қизиқишлари ичига сиғмай кетади.

Ички мотивацияни сақлаб қола олган болалар самарали ўқишади.

Баъзилари эса эплолмайман деб ўйлашади, лекин ундай эмас. Баъзи ўқувчилар паст баҳо олишсада бошқа сохада ўзларини қирраларини кўрсатишади. Масалан ўзига ёқган хонандани қўшиқларини ёдлаб тақлид усулида айта олишади. Математикада кўпайтириш жадвалини эслолмасада леки қўшиқларни ёддан билади. Ёки аксинча бўлиши мумкин. Ҳар бир боланинг ўз иқтидори бўлади шуни ота-оналар ва ўқитувчи болани қизиқишига қараб йуналтира олса бола ўз йўлини топиб кетади. Ўзига бўлган ишончи ортиб боради.

Имтиёзлар ички мотивацияни йўққа чиқаради

Психологлар Кэррол Эймс ва Кэррол Дуэк ота-оналар ҳамда ўқитувчилар қандайдир имтиёзларга урғу беришганда болаларнинг қизиқиши йўқолишини аниқлашди²

Нимадан бошлашимиз керак?

Ички мотивацияни излаймиз.

Болани ички холатини тўғирлаш осон эмас, шунга қарамй, бу йўналишдаги ҳаракатлар натижасини бериши мумкин.

Фарзандингизни қабул қилишни ўрганинг. Масалан қизингизни ёки ўғлингизни кийниш услуби сизга ёқмаслиги мумки, лекин сиз уни қабул қилишинингиз керак. Бошқача айтиганда, гап эркалатиш эмас, фарзандингизни тушуниш ҳақида бормоқда.

Самимий суҳбатлашинг. Агар фарзандингиз билан қалбан самимий яқин бўлсангиз, аваллам бор у билан шунчаки суҳбатлашинг. Фарзандингизни нималар билан қизиқиши, муаммолари, қайси фанлар ёқиши, қайси ўқитувчини ўқитиш методи ёқиши ёки қандай муаммолари борлиги ҳақида суҳбатлашинг. Самимий бўлинг.

Болага ҳаётдаги мақсади борасида бир тўхтамга келишга ёрдам беринг. Фарзандингиз мактабни тугатганидан кегин нима билан шуғилланиши исташи ҳақида бир тўхтамга келиши муҳим. Буни тушунишга ота-она билан узоқ суҳбатлар, профессионал йўналиш бўйича маслаҳатлар ва усмирлар учун китоблар керак булади.

Ўқиш жараёнини боланинг қизиқишлари устига қурин. Ўқишга болани бўлган самимий қизиқишларини, ички мотивациясини мактабдаги дарслари билан бирлаштиришга ҳаракат қилиш керак. Бу жараён индивидуал ва ота-оналар томонидан катта эътиборни талаб этади. Масалан рус тилини сеvimли фильмингиз ёки қўшиғингиз орқали ўрганишингиз мумкин. Компютер ўйинларини жуда севиб ўйновчи ўсмирларда эса яхшигина дастурчи чиқиши мумкин.

Боладан ички мотивацияни тортиб чиқариш – энг муҳим вазифалардан бири. Ақилли, зукко, доно фарзандининг ҳаётига қизиқадиган ота-она ва ўқитувчи учун бу албатта муаммо эмас шунчаки болага вақт ажратиш керак холос.

Н.Исмоилова

Ўзбекистон тумани 25-умумий ўрта таълим мактаби рус тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

2022-02-04 09:08:05